O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 1-uy. Faks: (+99875)221-12-88, qashqadaryo@exat.uz

2021 йил «11» март 5-4-0-Q/21 Қашқадарё вилояти ҳокимияти

Вилоят ҳудудида Давлат дастурларига киритилган ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қуриладиган бино ва иншоотларнинг пудрат танлов савдолари (тендер)ни ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистан Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (2018 йил 9 апрель, ЎРҚ-472-сон), Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб - таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ вилоят ҳудудида танлов савдоларини ҳақиқий ва адолатли ўтказишни таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистан Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (2018 йил 9 апрель, ЎРҚ-472-сон), Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинганлиги инобатга олинсин.

2. Давлат дастурига киритилган ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қуриладиган бино ва иншоотларнинг пудрат танлов савдолари (тендер)ни ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи вилоят комиссиясининг таркиби иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги вақтинчалик Низом талаблари асосида олиб борилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2020 йил 21 февралдаги HQ-153/02-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимнинг ўринбосари А.Эшонқулов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **З.Мирзаев**

Қашқадарё вилояти ҳокими **Мирзаев З. Т.**

Давлат дастурига киритилган ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қуриладиган бино ва иншоотлариинг пудрат танлов савдолари (тендер)ни ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи вилоят комиссияси

ТАРКИБИ

Нормўминов Абдусамат Бобоқулович	Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори (Комиссия раиси)
Тошинов Жамолиддин Жабборович	Вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг биринчи ўринбосари (Комиссия аъзоси)
Дўстов Барно Сувонович	Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси инвеститция дастурларини шакллантириш таҳлил қилиш инфратузилмани ривожлантириш бўлим бошлиғи (Комиссия аъзоси)
Алимов Аслиддин Абраҳматович	вилояти давлат солиқ бошқармаси Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими Бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатиш шўъбаси бошлиғи (Комиссия аъзоси)
Ҳимматов Ўткир Абдуқодирович	Вилоят монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармаси мутахасиси бошлиғи (Комиссия аъзоси)